



100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent city,
100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. Internet: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz

Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

20 21 y. « 09 » 06

№ 11-2828

« _____ » _____ 20 _____ г.

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банки
корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида**

ХУЛОСА

Қайси корхона учун тайёрланди

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ

Юридик манзил

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 2А-уй.

Банк реквизитлари

х/р 29802 000 0000 01095 001,
“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ,
банк коди 01095.

Қайси корхона томонидан тайёрланди

«Қимматли қоғозлар Марказий
депозитарийси» давлат корхонаси

Юридик манзил

100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 107

Телефон/факс:

тел: 998 (71) 267-35-92, 267-36-87

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги
маълумотлар

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги
гувоҳнома рақами: 000979-03, 09.06.1999 й.

Банк реквизитлари:

х/р 20210000604014949001, Тошкент ш.,
АИТБ «Ипак Йули» Мировод филиали, банк
коди 01101

Бош директор

Абдужаббаров Шерали Янгибаевич

Баҳолашда иштирок этган
мутахассисларнинг фамилияси, исми ва
отасининг исми

Хамдамов А., Хайруллаев Б.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ (кейинги ўринларда – Банк) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 21 майдаги “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 263-сонли Қарорига мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Банкда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий максадларидан бири ҳисобланади.

Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси фақат Банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Банк тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг назорат ва масъулият доирасига киритилмади.

Марказий депозитарий, Банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБнинг 2020 йил учун корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **1110** баллни ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг якуний хулосасига мувофиқ “ASIA ALLIANCE BANK” АТБнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра **юқори** деб эътироф этилади.

Бош директор

Ш.Я.Абдужаббаров

